



Халқ сўзи


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 30 сентябрь, № 197 (6891) Шанба

Сайтимида учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 сентябрь куни Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонни кутлар экан, Рус православ черкови раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги аънанавий яқин ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим воқеа эканини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий ва юқори даражадаги фаол мулоқот барча йўналишлардаги амалий ҳамкорликка жадал суръат бағишлагани, икки

томонлама алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Патриарх Кириллнинг ташрифи мамлакатларимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутушига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва эллат, 16 конфессия вакиллари бир оиладек аҳил-иноқ яшамоқ-

да. Уларнинг ўз маданияти, аънана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда 138 миллий маданий марказ фаолият юритмоқда, Тошкентда Дўстлик уйи ва боғи барпо этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган.

Ёшлар ўртасида диний таълим ва маърифат ишларига алоҳида аҳамият

берилмоқда. Тошкент ислом университети ва институти, 9 мадраса, православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкент шаҳрида Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш мақсадида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббусини илгари сургани қайд этилди.

Учрашувда экстремизм, терроризм ва радикализм каби глобал хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида конфессиялараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодга таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди.

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл миллатлараро тинчлик-тотувлик, турли дин вакиллари ўртасида дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди.

Ўзбекистонда Рус православ черкови фаолиятига кўрсатилаётган эътибор ва кўмак, христиан динига эътиқод қилувчиларнинг ўзлақонли маънавий ҳаёти йўлида яратилган шароитлардан гоё хурсанд бўлганини таъкидлади.

Патриарх Кирилл Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонга ташриф тадбирларга бой дастур асосида ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди.

Рус православ черкови Ўзбекистон — Россия муносабатларини мустаҳкамлашда бундан буюн ҳам фаол иштирок этиш, маънавий қадриятларимизни бойитиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга кўмаклашишга тайёр экани қайд этилди.

Ў.А.

Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ ОБОД, ҲАМ КЎРКАМ, ҲАМ ҚУЛАЙ

Бунёдкорлик

Қадрли ва муҳтарам устозлар! Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда устоз деган шарафли номни улуғлаб келатган юртимиздаги барча инсонларни умумхалқ байрами — Ҳаётининг муқаддас кунини билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун ушбу кутлуғ айёмни мамлакатимизда кенг нишонлар эканмиз, биринчи навбатда қадрдон мактабимиз, бизга ҳарф ўргатган, азгулдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз сиймоси кўз олдимизда намён бўлади. Биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган сизлар каби азиз ва муътабар зотлар шайхига энг ўзгал сўзлар, эзгу тилакларимизни изҳор эта- миз. Сизларнинг барчангизга ҳеч қачон узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиламиз.

Буюк Алишер Навоий бобоми айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайдим.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидойи қасб эгаларидир.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўётган, эртанги кунимизнинг халқ қилувчи кучи бўлган минг- минглаб фарзандларимиз камол- ларига ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс ҳиссаи борлигини яқини билан таъзим қиламиз.

Буюк Алишер Навоий бобоми айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайдим.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидойи қасб эгаларидир.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўётган, эртанги кунимизнинг халқ қилувчи кучи бўлган минг- минглаб фарзандларимиз камол- ларига ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс ҳиссаи борлигини яқини билан таъзим қиламиз.

Буюк Алишер Навоий бобоми айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайдим.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидойи қасб эгаларидир.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўётган, эртанги кунимизнинг халқ қилувчи кучи бўлган минг- минглаб фарзандларимиз камол- ларига ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс ҳиссаи борлигини яқини билан таъзим қиламиз.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўётган, эртанги кунимизнинг халқ қилувчи кучи бўлган минг- минглаб фарзандларимиз камол- ларига ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс ҳиссаи борлигини яқини билан таъзим қиламиз.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўётган, эртанги кунимизнинг халқ қилувчи кучи бўлган минг- минглаб фарзандларимиз камол- ларига ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс ҳиссаи борлигини яқини билан таъзим қиламиз.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўётган, эртанги кунимизнинг халқ қилувчи кучи бўлган минг- минглаб фарзандларимиз камол- ларига ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс ҳиссаи борлигини яқини билан таъзим қиламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

РУС ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИНИНГ МОСКВА ПАТРИАРХАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл бошчилигидаги Рус православ черковининг Москва Патриархати делегацияси 29 сентябрь куни Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Мамлакатимизда виждон эркинлиги ҳар жиҳатдан таъминланган. Жумладан, Конституциямизда ҳар бир инсоннинг ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни турли конфессия вакиллари ўз диний амалларини эмин-эркин адо этишларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Делегация аъзолари ташрифини пойтахтимиздаги Свято-Троицкий Никольский аёллар монастырини зиёрат қилишдан бошлади. Христиан динига эътиқод қилувчи юртдошларимиз учун яратилган шароитлар мисолида Ўзбекистонда бағрикенглик, диний ва миллатлараро тотувликни таъминлашга доир инсонларвар сиёсат, жамиятдаги барқарорликка гувоҳ бўлди.

(Давоми 2-бетда).

БМТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А. Шаҳид бошчилигидаги делегация 2 — 12 октябрь кунлари ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида делегация аъзолари Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатимизнинг бу борадаги ижобий тажрибаси билан танишди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқди. Таъкидлаш жоизки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (ИҲК) махсус маърузачилари инсон ҳуқуқлари масалалари юзасидан

ахборот ва маслаҳат бериш ваколатига эга мустақил экспертлардир. Махсус маърузачилар тизими БМТ фаолиятида марказий ўрин тутди ҳамда барча фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларни қамраб олади. Бу вазифалар БМТ ИҲКнинг тегишли резолюцияларида белгилаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

1 ОКТАБРЬ — ҲАМ ОБОД, ҲАМ КЎРКАМ, ҲАМ ҚУЛАЙ

Эъзоз ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси

Барчамизни билимлар оламига ошно этиш, онгу шууримизда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши, теран ва соғлом тафаккур соҳиб бўлиб вояга этишимизда меҳрибон устозлар, фидойи мураббийлар, гамхўр ўқитувчиларнинг хизмати бекиёсдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамоллигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида гоёт муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, 1997 йилдан буюн юртимизда "1 октябрь — Ҳаётининг муқаддас кунини" умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Ушбу сана маърифатпарвар халқимиз, фарзандлари камолини кўриш истигадига ота-оналар, билимга чанқоқ ёшлар учун ҳам қувончли айёмдир. Чунки кўз нури ҳамда қалб қўри, бутун борлигини маърифат йўлига бахшида қилган меҳридарё устозларни ардоқлаш, уларга юксак эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий,

шу билан бирга, истиқлол йилларида янгича маъно-мазмун касб этган қадриятларидан бири саналади.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчи ҳамда мураббийлари, педагоглар Мустақиллик майдо-нини зиёрат қилиб, хуриятимиз, порлоқ истиқ-болимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси-

нинг Биринчи Президенти, буюк давлат ҳамда сиёсат арбоби Ислам Қаримов хайкали пойига гул қўйиб, унинг ёрқин хоти-расига ҳурмат бажо келтирдилар. Пойтахтимизда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим тизимида кечайтган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақса-дида таълим муассасаларида, музейлар, маданий-маърифий масканлар ва санъат саройларида бўлиб, истиқлол йилларида Тошкент шаҳрида амалга ошири-лаётган кенг қўламли

бунёдкорлик ишларини кўздан кечирдилар.

29 сентябрь куни "Туркистон" саройида умумхалқ байрами бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бор ерга сенаторлар, депутатлар, вазирилари ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган педагоглар, илғор ўқитувчилар, спорт мураббийлари, олимлар ва талаба-ёшлар тақдир қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик

ҲАМ ОБОД, ҲАМ КЎРКАМ, ҲАМ ҚУЛАЙ

"Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик аънаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз".

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб айтилган ушбу сўзларнинг амалий тасдиғига ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, жамиятимизда кечайтган шиддатли ўзгаришлар мисолида яққол гувоҳ бўлиб турибди. Зотан, охириги бир йил даво-

мида ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барча жа-б-ҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар туб замирида "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган олижаноб тамойил мужассамдир.

(Давоми 3-бетда).


(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Дарҳақиқат, кейинги пайтда аҳолига замонавий хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш, янги иш ўринлари очиб, кўп хонадонли арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари ва кўприклар қуриш, қисқача айтганда, шаҳару қишлоқларнинг кўркам қиёфасини яратиш ишлари сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилмоқда. Мазкур жараёнда йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий муаммолар босқичма-босқич ҳал этилаётгани одамларнинг ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга катта ишонч билан яшашига, иш-хўтларга дахлдорлик ҳиссиётлари кучайишига хизмат қилапти.

Пойтахтимизнинг биргина Яшнобод туманида жорий йилнинг ўтган даврида бажарилган улкан бунёдкорлик ишлари бунга мисолдир.

Замонавий кўприксозлик: изланиш ва натижа

Автомобиль йўллари ҳамда кўприклар нафақат транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, балки ҳудудлар қиёфасини кўркамлаштириш, аҳоли турмуш фа-



ҲАМ ОБОД, ҲАМ КЎРКАМ, ҲАМ ҚУЛАЙ

ровонлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Юртимизда бу масалага алоҳида аҳамият қаратиб келинаётганининг асл сабаби ҳам шунда.

Кеча пойтахтимизда фойдаланишга топширилган замонавий йўлтуказгич ушбу жаҳадаги тизимли ишларнинг манتيқий давоми бўлди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг март ойида Кичик ҳалқа йўли ва Фарғона йўли кўчаси кесишган жойдаги мазкур йўлтуказгични қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳасини кўздан кечираркан, иншоотни замон талабларига мос тарзда сифатли бунёд этиш, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига қулайлик яратиш бўйича тавсиялар берган эди.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳа ижросига жиддий ёндашилди. «Боштранслайф» акциядорлик жамияти томонидан лойиҳалаштирилган мажмуани барпо қилишга эса «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тасарруфидидаги «Кўприкқурилиш» трести унитар корхонаси жамоаси жабт этилди.

Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки ушбу жамоа «Ас қурилиш» номини олган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон, Ангрэн — Поп янги электрлаштирилган темир йўл линияларидаги мураккаб муҳандислик ечимига эга кўприклар, қолаверса, сўнгги 15 йил мобайнида республикамиз бўйича ишга туширилган 200 дан ортиқ иншоотларнинг ақсариятини қўришда қатнашиб, бой тажрибани тўплаган. Шунинг учун ҳам яраймай лана кўринишидаги мазкур йўлтуказгични давр талабларига мослаштирилган ҳолда қайта тиклаш маҳоратли курувчиларга ортиқча қийинчилик туғдирмади.

Янги иншоотнинг умумий узунлиги қарийб 300 метрни ташкил қилади. Баландлиги 5 метр, кенлиги 22 метрли йўлтуказгичда бир пайтнинг ўзига 4 қатор машина ҳаракатлана олади.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, лойиҳанинг яна бир мураккаб томони ундаги қишқир йўлнинг бошланиши Салар каналига тўғри келганлигидир. Шу боис бу ерда кенлиги 6 метр, узунлиги эса 144 метрга тенг темир-бетон сувўтказгич ҳам бунёд этилди. Бу юмуш «13-кўприкқурилиш отряди» томонидан тез ҳамда сифатли бажарилгани диққатга сазовор.

Бунёдкорлик ишларида минг нафарга яқин ишчи-ҳодимлар фаол меҳнат қилиши, — дейди қурилиш участкаси устаси Акмал Қалдибеков. — Қурилишда маҳаллий ҳом ашёдан фойдаланганимиз, айниқса, ишимизга унум бағишлаши баробарида, объект таннархининг арзон



бўлишига замин яратди. Масалан, темир-бетон конструкциялар трестга қарашли ишлаб чиқариш майдонларида тайёрланган бўлса, кўприк устунларини жойлаштиришга мўлжалланган махсус мосламалар «Кўюв-механика заводи» шуъба корхонаси томонидан етказиб берилди. Натижада зиммамиздаги вазифани қисқа муддатда бажариб, пойтахтимиз аҳолисига яна бир замонавий иншоотни туҳфа этдик.

Бу объект тирбандликларни камайтириш, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт ҳамда маблағ йўқотишининг олдини олишга хизмат қилаётганидан, айниқса, шаҳар аҳолиси жуда хурсанд.

— Яшнобод туманида яшайман, — дейди ҳайдовчи Қаҳрамон Абдурахмонов. — Кундалик юмуш, иш юзасидан ҳар кун 5-6 марта шаҳар марказига боришга тўғри келади. Аммо йўлнинг тирбандлиги боис баъзан белгиланган жойга кечикиб борар, бу эса бизга кўплаб ноқулайликларни туғдирарди. Кўприк очилгач, ана шу муаммоларнинг ечими топилди. Узоғимиз анча яқин бўлди. Қаранг, қандай чиройли, йўлларнинг текислигини айтмай-сизми?! Бу ишга бош-қош бўлганларга минг раҳмат!

Маълумотлар онлайн режимда олинди

Нукус кўчасидан Фарғона йўли томон юрсангиз, янги кўприкнинг шундоққина ўнг томонидаги кўркам иншоотга кўзингиз тушади. Бу — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли Юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» электропоездларига сервис хизмати кўрсатиш маркази биноси. — Бугунги кунгача «Афросиёб» электропоездларига техник хизмат-

лар Янгийўлдаги мослаштирилган марказда кўрсатилади эди, — дейди жамиятнинг юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича бошқарма бошлиғи Шерзод Тулганов. — Янги марказда бир пайтнинг ўзига тўртта тезкор поездга, шунингдек, бешта электропоездга техник хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Бу поездларнинг тижорат қатновларига соз ҳолатда чиқиши, йўловчиларга хавфсиз, қулай ҳамда сифатли хизмат кўрсатишида кўл келади.

Умумий майдони қарийб 11 миң квадрат метрга тенг бўлган мазкур цех Испаниянинг «Тальго» компанияси мутахассислари билан бамаслаҳат лойиҳалаштирилган бўлиб, уни қуришда юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини йўлга қўйган давлатлар тажрибаси атрофлича ўрганилди. Натижада юксак даражадаги техник шaroитга эга мажмуа қисқа фурсатларда қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ерда тўртта темир йўл линиясидан ташқари, техник ва сервис хизмат кўрсатадиган ҳодимлар учун ўқув, шунингдек, диспетчерлик марказлари ташкил қилинган, локомотив бригадалари машинистлари, борт муҳандислари, ишчи-хизматчилар учун зарур шарт-шaroитлар яратилган.

— Диспетчерлик маркази том маънода сервис хизмати кўрсатиш марказининг юраги ҳисобланади, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқармаси Бошлиғи, техника фанлари номзоди Умидилло Ибрагимов. — У замонавий инновацион ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлангани «Афросиёб» электропоездлари ҳақида онлайн режимда тўлиқ маълумот олиш имконини беради.

Кўриб турганингиздек, локомотивларнинг техник ҳолати, электр энергияси билан таъминланганлик даражаси, тормоз тизимлари, йўловчиларга яратилган шaroитлар — буларнинг барчаси мониторинг акс этмоқда. Масалан, айна пайтда Тошкентдан Бухорога қараб йўлга чиққан поезд жадвал асосида, маромида ҳаракатланапти. Техник носозликлар йўқ, вагонларда хизмат кўрсатиш учун шарт-шaroит етарли. Мабодо, қандайдир носозлик юзага келгудек бўлса, мониторинг қизил чироқ ёниб, хабар беради. Шу ондаёқ машинист билан алоқа ўрнатилиб, носозликлар жойида ҳал қилинади.

Яна бир қулайлик, истаган киши жамиятнинг расмий веб-сайти орқали жорий этилган интерактив хизматдан фойдаланиб, «Афросиёб» поездларининг қачон йўлга чиққани, қаерда ҳаракатланиб, манзилга қайси пайтда етиб боришини онлайн тарзда кузатиши мумкин.

Мамлакатимиз темир йўл тизимидаги ушбу янгиликлар инсон манфаатларига йўғрилгани, аҳоли талаб-истаклари асосида татбиқ қилинганлиги алоҳида диққатга сазовор.

Сўлим ва мафтункор

Яшнобод туманининг Ширин-обод маҳалласи ҳудудидаги салкам 3 гектар майдон узоқ йиллардан буён қаровсиз, ташландиқ бўлиб ётган эди. Очиги, Қорасув канали ёқасидаги бу жойда ёш-яланлар

ёлғиз юришга ҳам чўчирди. Бугун эса бу ерга келган киши тамоман бошқа манзаранинг устидан чиқади. Сабаби, бир пайтлардаги ташландиқ майдон ўрнида атиги 100 кун ичида 20 га яқин замонавий аттракционлар билан жиҳозланган истироҳат боғи бунёд қилинди. Бунинг учун 13 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилди.

Эндилликда мазкур боғ ёшларнинг энг сеvimли масканга айланган. Унга туташ 2,5 гектар майдон ҳам ободонлаштирилиб, каналнинг узунлиги 750 метрлик қисмида ташкил этилган сайроҳдан эса одамларнинг қадами узилмайди. Айниқса, кўёш энергияси ёрдамида ишлайдиган 60 та ёриткич ўрнатилгани барчанинг айна дилидаги иш бўлди.

— Президентимизнинг туманимизга ташрифидан сўнг маҳалла-ридан бирига айланди, — дейди 155-мактаб ўқитувчиси Фулом Мавлонов. — Йўллар таъмирланиб, замонавий поликлиника, болалар боғчаси қурилди. Манара янги боғ очилди. Буларнинг барчаси одамларнинг турмуш шaroитини яхшилаш, ҳаёт даражасини янада юксалтиришга қаратилган.

Истироҳат боғи раҳбари ўринбосари Бахтиёр Раҳимовнинг айтишича, аттракционларда бир пайтнинг ўзига 300 нафар кичкинтойга хизмат кўрсатиш мумкин. Улар мароқли хордиқ чиқариши баробарида, билимларини бойитиши учун



«Book Cafe» ташкил этилган. У зарур қурилмалар билан жиҳозланиб, wi-fi тизимига улганган.

Айна пайтда боғда савдо шохобчалари, тамаддиҳоналар ишлаб турибди. Шунингдек, 210 ўринли амфитеатр байрам тадбирлари ва концертлар ўтказиш учун шай.

Бундай сўлим боғ ҳамда хиёбонлар нафақат шаҳару туманлар қиёфасига кўркамлик бағишлайди, балки атроф-муҳит мусофоллигини таъминлаш, одамлар соғлигини мустаҳкамлашда ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга. Уларда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар эса ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топиши, миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудида олиб борилаётган бундай хайрли ишлар тўғрисида қаровсиз жойлар сўлим ҳамда мафтункор масканларга айланиб, ҳудудлар қиёфаси ўзгариб, аҳолига қўшимча қулайликлар яратилмоқда. Зеро, бу юртдошларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида қўрилаётган изчил чора-тадбирларнинг амалдаги натижаларидир.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ КўП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИДАН Фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

қуйидаги компьютер техника воситаларини сотиб олиш бўйича танлов савдоларини эълон қилади.

Т/р	Оргтехника воситалари номи ва параметрлари	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Компьютерлар: шахсий компьютер учун процессор CPU IntelG3900 Tray/CPU cooler/платалар йиғиндиси (материнская плата) Computer motherboard BIOSTAR H1 10MHC/оператив хотира RAM KINGSTON 4GB DDR4/қаттиқ магнит диски хотирловчи қурилма (HDD) 500GB/мультимедия клавиатураси/монитор M100019D/ўрнатилган лицензияли таъминлаш дастури Microsoft Windows 10 Home for Entry Desktop/AIO DOEM	тўпلام	44
2.	NOTEBOOK W950LU (15,6", N3060, 500GB, 4GB, DVD-RW)	тўпلام	6
3.	Canon MF 3010 принтери (кўп функцияли қурилма)	дона	18
4.	Canon LBP 6030 принтери	дона	21
5.	Defender DFS 155 тармоқ фильтри, 5 м.ли, қора рангли, 5 та тармоқли	дона	47
Жами сони			136

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй. Телефон: (0-371) 235-31-00. Электрон манзил: inspeksiyaikf@mail.ru

«REPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф етди.

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган, техник ҳолати қониқарли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/941 АЕА бўлган, «Nexia» русумли. **Бошланғич баҳоси — 32 608 000 сўм.**
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/435 УВА бўлган, «Damas» русумли. **Бошланғич баҳоси — 30 220 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2017 йил 19 октябрь кун соат 15.00 да ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2017 йил 17 октябрь кун соат 18.00.

Мазкур автотранспорт воситалари 19 октябрь кун соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 31 октябрдаги савдо учун — 27 октябрь, 10 ноябрдаги савдо учун — 8 ноябрь, 20 ноябрдаги савдо учун — 17 ноябрь кунлари соат 18.00.

Аукцион савдоси голиби, деб топилган шахсларга 10 банк иш кунли мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим қилинади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар автотранспорт воситалари умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коракамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Гувоҳнома № 001805.

БИЗ УЧУН ИБРАТ НАМУНАСИ, ЮКСАК ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ТИМСОЛИ

Бугун республикамиздаги 9680 та умумтаълим мактабида жами 400 минг нафардан ортиқ педагог кадрлар фаолият юритмоқда. Тизимдаги 4893 та мактабгача таълим муассасасида 56 минг 825 нафар, 211 "Баркамол авлод" болалар марказида эса 6108 нафар устоз ва мураббийлар меҳнат қилаяпти.

Таълим муассасаларининг тегишли фанлар бўйича олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ҳамда қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил қилинди.

Жорий йилда "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" танлови янгича кўринишда ташкил этилиб, танловнинг республика босқичи голибларини олий таълим муассасаларига тест сновлари ва касбий (ижодий) имтиҳонларнинг давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш йўлланмаси берилди.

Ўқитувчилик касбининг оҳанрабои болалигимдан мени ўзига ром қилган. Мактаб партасидаги ҳис-ҳаяжонлар, биринчи муаллимимизнинг сабоқлари, энг муҳими, унинг ўзига хос юксак маданияти келажакда ушбу касбни танлашда муҳим сабаб бўлган, десам, адашмайман.

Касбимиз оҳанрабои

Университетдаги таҳсил, илк фаолиятим ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Негаки, мен кўзлаган ниятимга етганим. Биринчи устозим кўп таъқидлайдиларки, киши қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, аввало, чин инсон бўлиши лозим. Бора-бора бу қоида ҳаётим ширимга айлиб қолди.

Мукамал таълим берамиз. Мактаб-интернатимизда яратилган замонавий шарт-шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган ўқув, компьютер, лаборатория хоналари, умуман, барча-барчаси ўқувчиларни кўнгил билан олишга, ўқитувчиларни эса чин дилдан меҳнат қилишга ундайди.

Айтиш ўринлики, бугун мамлакатимиз

ФАХР

таълим тизимида амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришлар баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этапти. Чунончи, жорий ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар, уларнинг ота-оналари хоҳишларига кўра, умумтаълим мактабларида 10 ва 11-синфлар қайта тикланди. Республика-миз бўйлаб 9-синф битирувчилардан 352 минг нафари 10-синфда ўқиш истагини билдирди.

Ана шу гамхўрликлар самарасида ҳозирги пайтгача беш нафар ўқувчимиз халқро микёсдаги фан олимпиадаларида, хусусан, математика, кимё фанларидан ўтказилган беллашувларда нуфузли ўринларни эгаллаб, юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

Узим ишлаётган Китеб туманидаги 1-давлат иттифокчиларнинг 62 нафар 9-синф битирувчисидан 55 нафари тахсилни жонажон илм даргоҳида давом эттириш ниятида-лигини билдиргани биз, педагогларни мамнун қилди. Болалигимдан бағримизда ўсган, ҳали дунёқараши тўлиқ шакл-ланиб улгурмаган, қолаверса, ўз фарзандимиздек бўлиб қолган ёшларга энди ўзимиз тўлиқ ва

Узимга келса, жорий йилда "Йилнинг энг яхши фан ўқувчиси" куриктанловининг республика босқичида она тили ва адабиёт йўналиши бўйича фахрли биринчи ўринга сазовор бўлдим. Албатта, ҳали олдинда режаларим бисёр. Улардан энг улуғи — шогирдларимнинг она-Ватанимиз порлоқ келажиги йўлида хизмат қилаётганини кўриш. Ахир муаллим учун бундан ортиқ бахт борми?!

ДИЛНОЗА БЕРДИЕВА,
"Йилнинг энг яхши фан ўқувчиси" — 2017 республика кўриктанлови голибаси.

Қалб зийнати

Навоийлик Лайло Каримова болалик давридаёқ касб борасидаги мақсадни аниқ белгиллаб қўйган эди.

— Отам уйга вази-ларни тайёрлашда менга ёрдам берарди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ўрганганларимни эса яқин дугонамга ўргатардим. Шу тариқа менда ўқитувчиликка меҳр уйғонган бўлса керак.

Лайло 1994 йили Навоий давлат педагогика институтининг хорижий тиллар факультетини тугаллаб, қадрдон қишлоғи — Қизилтепа туманининг Бўстон маҳалласидаги 7-умумтаълим мактабига қайтди. Ун олти йил шу мактабда ўқувчиларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ берди. Шу йиллар мобайнида оила қуриб, уч фарзандни вояга етказди. 2010 йилда эса турмуш ўртоғи ҳарбий бурчини Навоий шаҳрида давом эттириш тўғрисида буйруқ олди.

— Уша йили нимагидир иш сўраб, бирор мактабга эмас, Меҳрибонлик уйига бордим, — дея давом этади Л. Каримова. — Рус тили ва адабиёти мутахассислигига эга тарбиячи-педагог керак экан, жамоага қабул қилишди.

Сиртдан қараганда, Лайло Каримованинг меҳнат фаолияти тенгдош ҳамкасблариникидан унчалик ҳам фарқ қилмайди. Бироқ айни фаолиятда оддий нигоҳларимиз илғамайдиган жиҳатлар борки, у қахрамонимизни ўқитувчиликдан устоз, тарбия-

чилекдан она мартабасига етказди. Албатта, унинг ортида тинимсиз меҳнат захмати муҳасам. Ана шу хизматлари туйғайли у Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнат

ЭЗГУЛИК

кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ, Ватанимизнинг юксак мукофотларидан бири — "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Кўн тушдан оққанда, осмонни булут қоплаб, кунинг этни жунжиқтирадиган илк ёмғири майдаллаб ёға бошлади. Машғулотдан қайтган тарбияланувчи Зоир Курбонов устоз-онасини кучоқлаб, мукофот билан кутлайди.

— Ёмғир кучайдими, дейман, — дейди она унинг юзиданги томчиларни меҳр билан сийдиради. — Дўстинг Тошпўлат мусобақага кетган, эгни энгил эди. Физиллаб бориб, курт-қасини етказиб бер, кейин кечодан нонуштангни қиласан.

— Сўнгра бизга юзланиб, давом этади: — Тошпўлат билан Сергей бокс секциясига катнайди. Бугун мусобақанинг ярим финалига чиқишган. Эрталаб

иккови сизга совга қилмайсиз, деган эди. Сергей ютказиб қўйди. Тушликдан кейинги тамаддиниям қилмабди. Ҳали сизларни кузатай, кейин овутиб оламан.

Лайло Каримованинг фаолиятдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бу сингари меҳр-муҳаббатни улашиш унинг кундалик одатига айланган. Муассасада тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида меҳр бўлсагина, у чинакам оилага айлишини доимо шогирдларига уқтиради.

— Самимий қалб фазилатига эга тарбиячигина болалар учун она даражасига эришади, — дейди Меҳрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нигора Тошназарова. — Лайло она жамоамизнинг ана шундай тарбиячиларидан бири. У бир неча йиллардан буён муассасамизнинг тарбиячилари ўртасида услубий кенгаш раиси ҳам ҳисобланади. Нимадир маслаҳат керак бўлса, доим улардан сўраймиз.

Дарҳақиқат, юксак самимиятга эга инсон меҳрга ташна қалбларда баргикенглик, мурувватлилик каби туйғуларни улғайтира олади. Уларнинг маънавий дунёсини бойитиши. Қахрамонимиз Лайло Каримова ана шундай ажойиб инсон эканлигига амин бўлдик.

Темур ЭШБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Хосан ПАЙДОНОВ олган сурат.

Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар...

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Муҳайё Илҳомова (суратда) ёш авлодга илму фан сирларини пухта ўргатаётган шарафли касб вакиллари билан бири. Йигирма олти йиллик педагогик тажрибага эга муаллима Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабидан бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келмоқда. Муҳайё она

касбига садоқати, жонқурлиги, ташаббускорлиги билан ҳамкасблари ўртасида обрў қозongan.

Фидойий устоз ўз фаолияти давомида ўқувчиларни саводега ўргатиш билан бирга, уларнинг қалбига эзгу фазилатларни шакллантиришга, она-Ватанга муҳаббат туйғусини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Улуғвор сўз

Мактаб, лицей, коллеж, олий таълим даргоҳларида ўқувчи ва талабалар ўз ўқитувчиларига меҳр билан "Устоз" дея муносабат қилишлари биз, педагогларнинг қалбимизга чексиз фахр, бир олам кувонч бағишлайди.

Кўпинча ўйлаб қоламан: муаллимларнинг улуғвор сўз билан эъзозлангани сирини мадада? Бунга тўғри жавоб топгандек ҳам бўламан. Яъни фарзандлар келажак, уларнинг шахс сифатида шаклланиши учун борлигини аямайдиган касб эгалари, ҳақиқатан ҳам, эътирофга лойиқ.

Мактабда кўп йиллардан буён математика ва информатика фанларидан дарс бераман. Касбимга, айниқса, болаларга бўлган меҳрим

Хусусан, ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатлари юксак баҳолини, 2003 йили "Шўхрат" медали, 2013 йили "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотландим. Мустиқиллигимизнинг 26 йиллик тантаналари арафасида эса Президентимиз Фармонига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига лойиқ кўрилганим менга янада улкан масъулият ўқлады.

ДИЛНОЗА МАМАШАРИПОВА,
Окдобр туманидаги 45-иҳтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

ИНТИЛИШ

даларида ҳаммиса фахрли ўринларни эгаллаб келишга ятти.

Камтарона меҳнатларимиз давлатимиз томонидан мунтазам эътироф этилаётгани кўчимизга куч, гайратимизга гайрат қўшмоқда.

Тарбиянинг тамал тоши

Боғчада олинган билим, кўникма ва малака болажонларнинг мактаб муҳитига тез ҳамда осон мослашишига ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, фаолиятимиз нақадар масъулиятли эканлиги кундек равшан.

Ўттиз уч йилдан буён Янгибозор туманининг Боголон қишлоғидаги мактабгача таълим муассасида тарбиячилик қилиб келаман. Тажрибадан биламанки, болани севмаган, унга бор меҳрини бермаган тарбиячи

РАҒБАТ

мақсадига эришолмайди. Педагогнинг касбий салоҳияти машғулот ўтиш жараёнида кўринади. Бунда бизга "Болажон" таянч дастури — яқин кўмакчи. Ўғил-қизларимизнинг тафаккурини интерфаол усул ва ўйинлар орқали ўстириш, уларни ўз ўрнида рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор қаратиш ҳар бир тарбиячининг устувор вазифаси бўлиши зарур.

Оилалар билан мунтазам мулоқотни йўлга қўйиб, боланинг ютуқларидан хабардор этиш ик-

бий натижа беради. Авваллари ўғил-қизларини шунчаки олиб келиб, олиб кетадиган оналар ҳам ҳозир мактабга тайёрлов машғулотлари натижасидан мамнун. Аслида мақсадимиз ҳам шу.

Президентимиз томонидан мактабгача таълим тизимига қаратилаётган эътибор, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил қилиш борасидаги туб ислохотлар кўп сонли ҳамкасбларим қатори, зиммамга янада катта масъулият ўқлайди.

Гулбахор СУЛТОНОВА,
Янгибозор туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, «Шўхрат» медали соҳибаси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Азиз устозлар!
Сизларни 1 октябрь —
Ўқитувчи ва мураббийлар кўни
билан 100 кўнидан таъбриқлаймиз.
Байрамнинг муборак бўлсин!

"O'zbekiston" НМИУ жамоаси

Менинг биринчи ўқитувчим

Мактаб даврида тушган фотосуратларим ичида "Биринчи ўқитувчим" деб номланган расм ҳам бор. Бу сурат менга жудаям қадрли. Негаки, унда биринчи устозим, бизга илк бор ҳарф танитган Феруза Мамажонова билан бирга тушган лаҳза муҳрланган. Ҳар гал шу расмга боқганимда, кўнглимда устозимга бўлган чуқур миннатдорлик туйғусини ҳис этаман.

Инсоннинг нечоғли билимли бўлиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши кўп жиҳатдан ўша, унга илк бор сабоқ берган муаллимнинг маҳоратига боғлиқ экан. Буни мен ва барча синфдошларим, қолаверса, устозимизнинг юзлаб шогирдлари турли соҳаларда эриш-ётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, биринчи ўқитувчининг берган таълими бамисоли илм биносининг пойдеворидек гап, десам, асло муболага бўлмайди. У киши, мана, ўттиз йилдирки, бир жойда, яъни Мирзаобод туманидаги 26-умумтаълим мактабидан бошланғич синф ўқитувчиси сифатида фаолият юритмоқда.

ДИЛ СЎЗИ

Феруза она ўқувчиларини ўз фарзандларидек кўради. Ўзим мактабни аллақачон битирган бўлсамда, ҳозиргача ишларим қандай кетаётгани билан қизиқди, зарур маслаҳатлар беради. Ўз навбатида, биз, сабоқ ўқувчилар ҳам устозимиздан тез-тез хабар олиб тураемиз.

Президентимизнинг 2017 йил 26 августдаги "Юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келатган ёш авлод вакиллари мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан, камтарона меҳнатларим давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, "Шўхрат" медали билан таъбриқландим. Ушундан бу хушхабарни, энг аввало, биринчи муаллимим Феруза Мамажоновага етказдим. Устозимнинг хурсандчилиги ўзимникидан ҳам бўлмади. "Бу мукофотга эришишимда сизнинг ҳам улкан ҳиссангиз бор, устоз. Сиз берган илм пухта сабоқлар туйғайли камолга етдим. Бунинг учун сизга катта раҳмат. Сиздан бир умр миннатдорман", дедим.

Зокир ЗИКРИЯЕВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифогининг Гулистон давлат университетидан бошланғич ташкилоти атакчиси, «Шўхрат» медали соҳибси.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 476 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятда келган кўғаймалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Петгуратова томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик ҳажматда сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаховна телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Топшекит шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва,
Навбатчи — Ф. Маҳкаммова,
Мусаххих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.37 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5